



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 6 май, № 95 (7875)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек, жамоатчилик томонидан тиббий хизматлар кўламини ва сифатини ошириш юзасидан билдирилган тақлифларни инобатга олиб:

1. Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда "тиббиёт бригадалари" фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш камровини кенгайтириш учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб 10 мингта, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса яна қўшимча 10 мингта ўрта тиббиёт ходимлари штатлари ажратилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев): Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари эҳтиёждан келиб чиқиб, уларнинг янгиланган штат нормативларини тасдиқласин;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, 2021 йил 1 августга қадар ўрта тиббиёт ходимлари макomini ошириш нўқтани назардан уларнинг малака талаблари, вазифалари, ваколатлари, жавобгарлиги, ихтисослик йўналишларини кенгайтириш, лавозимларини, шунингдек, ўқув дастурлари ва режаларини тўлиқ қайта кўриб чиққан ҳолда, ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштирсин ҳамда уни 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тўлиқ жорий қилсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг эҳтиёж мавжуд бўлган оғир шароитли туман (шаҳар)лар тиббиёт бинолари раҳбарлари лавозимларида республика иктисослаштирилган тиббиёт марказлари, уларнинг филиаллари, олий тиббиёт таълим муассасалари, улар хузуридаги клиникаларнинг малакали раҳбар ходимлари ва мутахассисларини шартнома асосида муайян муддатга жалб қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ушбу раҳбар ходимлар ва мутахассисларга асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини сақлаган ҳолда, улар жалб қилинган тиббиёт бинолари раҳбарлари лавозимларидаги ойлик иш ҳақини тўлиқ тўлаб берилишини, ушбу харажатлар ҳамда уларнинг уй-жой ижараси тўловларини Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки: марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган амалдаги қойкалар фонднинг 10 фоизи 2022 йил 1 январдан бошлаб, яна қўшимча 10 фоизи 2023 йил 1 январдан бошлаб тўлов асосида тиббий хизматлар кўрсатишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига таъминланадиган қойкалар фондига ўтказилсин;

бундан бўшайдиган Давлат бюджети маблағлари туман (шаҳар) шифохоналарининг дори воситалари, реактивлар ва тиббиёт ускуналари таъминотини яхшилашга ҳамда вилоят тиббиёт муассасаларида қўшимча қойка фондиди ташкил этишга йўналтирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар 2022 йил учун, 2022 йил 1 октябрга қадар эса 2023 йил учун ҳар бир туман (шаҳар) шифохоналари қисмида бўшайдиган маблағлар ҳажмини ва уларни ишлатиш йўналишларини белгилаб берсин.

4. 2021 йил 1 июлдан бошлаб ҳамширалик иш ўзини ўзи банд қилган шахслар шўғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлаш, хизматлар) турлари рўйхати киритилсин.

(Давоми 2-бетда)



ҚАҲРАМОН ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ МАҲОБАТЛИ ОБИДА

Мен барчангизни тарихни ўрганишда янада уйғоқ, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам, келгуси жараёнларга ҳам ҳолис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Иккинчи жаҳон урушида Буюк Ғалабани қўлга киритишга ўзбекистонликлар қанчалик ҳисса қўлган? Халқимиз жанг майдонларида ва фронт ортида қандай жасорат ҳамда матонат намуналарини кўрсатган?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимизнинг Олмазор туманида барпо этилган Ғалаба боғини сайр қилган ҳар бир киши ана шундай саволларга факт ҳамда далиллар, ҳаётий мисоллар асосида аниқ, лўнда жавоблар топади.

Хотира бор экан — миллат барҳаёт

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига бунёд этилган бу бетакорро мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан гоят ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади.

Қимматбаҳо тошлар ётқизилган йўлакларга ўрнатилган ўриндиққа ўтириб, бир зум атрофга боқсангиз, боғ манзаралари худди кино тасмасидек кўз олдингиздан бирма-бир ўта бошлайди. Мармар деворларга ишланган паннолардаги композициялар гўё ҳаракатга келади... Ана, мағрур отлар, бағри куйик оналар, ниғозлари ўйчан болалар ўз яқинларини урушга кузатмоқда. Вокзал мисоли бозорга айланган. Атрофини қоп орқалаган, чамадон судраган йигитларнинг ғалаговури, отларнинг қишнаши, арава-лар тақур-туқури тутган...

Ана, урушнинг юракни ларзага солувчи қонли манзаралари: қирувчи самолётлар душман устидан "ажал уруғи"ни сочмоқда. Оқоплардан аскарлар фашист босқинчиларини ўққа

тутапти. Банд тепаликка чиқиб олган ўзбек халқининг афсонавий генерали Собир Раҳимов ўз сафдошларини жасорат ва матонат кўрсатишга олға бошлаётди...

Бошқа томонга боқсангиз, фронт ортидаги машаққатли ва матонатга тўла меҳнат жараёни гавдаланади: боғу далаларда, заводу фабрикаларда аёллар, кексалар, болалар ишламоқда. Уларнинг қўли ишда-ю, кўнгли урушга кетган яқинларида. Зулфия ая

ҳам олис ўлкаларда мардондор жанг қилаётган фарзандларини кўзлари тўрт бўлиб, интиқ-интизор кутмоқда...

— Ҳар бир монумент суратан, ҳам сийратан пишиқ-пхта ишланибди... Набираси тутган аравадада ўтирган отахоннинг сўзлари хаёлимизни бўлади.

— Таассуротларингизни гапириб бера оласизми? — сўраймиз отахоннинг кўксигади ордон ва медаллардан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эканлигини англаб.

Ремко РЕЙДИНГ, Нидерландиядаги "Совет шон-шараф майдони" фонди директори, журналист ва тарихчи:

— Ўзбекистонда бир неча бор бўлдим. Серқўёш юртингизга сафарларим чоғида мамлакатингиз халқининг буюк Ғалабага муносиб бўлиб қўлган, фронт ўчоғидан эвакуация қилинган миллионлаб қариялар, аёллар ва болаларни оиласига қабул қилган тўғрисидаги янги-янги маълумотлар билан танишиб борапман.

Утган йили Тошкентда муҳташам Ғалаба боғи очилди. У ўзбек халқининг мардлиги, олижаноблиги, саховати ва меҳрибонлигининг тимсолига айланади. Шунингдек, менга "Шон-шараф" музейида Нидерландияда нацизм қурбонига айланган 101 нафар ўзбек аска-

ри тақдирига бағишланган махсус бўлим мавжудлиги ҳақида хабар беришди. Тез орада Тошкентдаги Ғалаба боғига ташриф буюриб, мемориал мажмуа тўпلامларини бойитишга ва Нидерландия тупроқларида кўмилган ўзбек аскарларининг шахсини аниқлашга ўз ҳиссамни қўшаман, деб умид қиламан.



МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШДА ҚАНДАЙ САМАРА БЕРЯПТИ?



Халқ билан юзма-юз

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган маҳаллабай ишлаш тизими жойларда қандай амалга оширилмоқда? Айни йўналишдаги савй-харажатлар, шунингдек, "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари"га

киритилган фуқаролар билан ишлашнинг боришини ўрганиш мақсадида Наманган вилоятига ташриф буюрган Олий Мажлис Сенати Раисни Танзила Норбоева дастлаб Поп туманида бўлди.



АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЖОЙЛАРИНИНГ ЎЗИДА ЎРГАНИЛМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари худудларда юрдошларимиз билан учрашувлар ўтказаятир ва айни жараёнда аҳолини қийнаётган муаммолар жойида ўрганилмоқда, уларга ечим топиш чоралари кўриляпти.

Сенатор ва ҳаёт

«Халқпарвар» комиссиянинг вазифаси нимадан иборат?

Юртимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат замирида аҳоли турмуш фаровонлигини

янада ошириш, айниқса, кам таъминланган ва ўзгалар кўмағига муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратишдек олижаноб мақсад муҳасам. Хусусан, аҳоли уй-жой таъминотини яхшилаш бораси-



СОҲАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Парламент қўйи палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Олий Мажлис хузуридаги Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши томонидан "Сўз эркинлигини таъминлаш ва ахборот соҳасида ривожланишнинг янги даври" мавзусида онлайн семинар ўтказилди.

Семинар

Тадбирда қайд этилганидек, 2021 йилга мўлжалланган Давлат дастурида соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган

Президент қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада

ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, журналист ҳамда блогерлар эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асосларни кучайтириш, ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган.

Семинарда ушбу масалалар тегишли агентлик, вазирлик ва идоралар ҳамда жамоатчилик тузилмасининг масъул вакиллари иштирокида муҳокамадан ўтказилди.



«Ҳукумат соати» УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ СУРЪАТИ ВА ЯНГИ МАКТАБЛАР СЕНИ МУТАНОСИБМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди. Унда депутатлар "Жойларда барпо этилаётган массивларнинг бош режасини ишлаб чиқишда ушбу худудларда мактаб қурилишини инобатга олиш ҳамда янги худуд ва массивларда қурилаётган янги кўп қаватли бинолар қурилишида уларга мутаносиб равишда янги ўқувчи ўрнини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масалани муҳокама қилди.

Халқ вакиллари бундан бундан саволларига халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ҳамда қурилиш вазири Ботир Зокиров жавоб берди. Халқ таълими вазири Ш. Шерматов қайд этганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли сонининг ошиши, уларнинг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида юртимизнинг аксарият худудларида кўп қаватли янги уй-жойлар, даҳалар қурилиши жадаллашгани натижасида мазкур худудларда яшовчи оилавларнинг фарзандлари учун етарли шарт-шароитга эга бўлган замонавий мактабларни қуришга бўлган талаб ҳам кескин ошди.

Охириги уч йилда 221 минг 149 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаблари янгидан қурилиб, фойдаланишга таъинланди. Жорий йилда республика бўйича жами 70 минг 165 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 31 та янги, 56 минг 231 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 184 та мактабни реконструкция қилиш режалаштирилган. Янги ўқув биноларини қуриш орқали ҳозиргача икки ва ундан ортиқ

сменада олиб борилаётган дарс жараёнлари меъёрий кўрсаткичларга келтирилиши кўзда тутилган. Қурилиш вазири Б. Зокиров ўз маърузасида кейинги йилларда мамлакатимизда тураржойлар, ижтимоий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ҳамда йўл-транспорт инфраструктураларини янгилаш мақсадида олиб борилаётган яратувчилик ишлари натижасида шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфаси тубдан ўзгараётганини таъкидлади. Бунёдкорлик соҳасига оид чора-тадбирлар Шаҳарсозлик кодекси ҳамда шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида тизимли олиб борилмақда.

Натижада юртимизнинг 117 та шаҳри ва 175 та шаҳарчаси бош режалар билан таъминланди, 610 та қишлоқ (овул) аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштиришини ташкил этиш (АПОТ) лойиҳалари ҳамда 96 та қишлоқдаги маҳаллаларнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқишига эришилди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, ҲОКИМЛИКЛАРИ, КОРПОРАЦИЯЛАРИ, БАНКЛАР, БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУШМА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

2020/2021 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда бандлигини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида ишга тақсимлаш жараёни бошланганлигини хабар қилади.



Битирувчи ёш мутахассисларга сиз раҳбарлик қилаётган корхона, ташкилот ва муассасада эҳтиёж мавжуд бўлса, талабнома ҳамда сўров хати, шунингдек, таклиф қилинаётган лавозим тўғрисида маълумотлар билан муурожаат этишингизни сўраймиз. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва Тошкент шаҳри миқёсида университетни тугатаётган малакали ёш мутахассислар ҳақидаги маълумотни қуйидаги жадвалда эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Бакалаврият

Table with 16 columns: T/р, Код, Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи, Битирувчиларнинг умумий сони, and 15 regional columns (Korakol, Andijon, Bukhoro, etc.). Rows list various specialties like 'Kasb ta'limi' and 'Dizayn'.

Магистратура

Table with 16 columns: T/р, Код, Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи, Битирувчиларнинг умумий сони, and 15 regional columns. Rows list specialties like 'Kasb ta'limi nazariyasi' and 'Dizayn'.

Изоҳ: Г-грант асосида, Ш-шартнома асосида

Сиз ўзингизни қизиқтирган ёш мутахассислар билан бевосита учрашиб, суҳбатлашиб, уларнинг битирув иши ҳимояларида қатнашиб, ўзингизни қизиқтирган барча маълумотларни олиш имкониятига эга бўласиз. Таклифлар билан қуйидаги манзил орқали муурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: 71-246-88-70.

